



“КЕЛИШИЛГАН”



“ТАСДИҚЛАЙМАН”



**ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИЗМАТ КЎРСАТГАН ЎҚИТУВЧИ
ИСМАТ ШУКУРОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН
ШАХМАТ БЎЙИЧА “КАРШИ ОПЕН-2019” ХАЛҚАРО
ТУРНИРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ**

Н И З О М И

I. Мусобақани ўтказишдан мақсад

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори ижросини таъминлаш;
- 1.2 Ўзбекистонда шахмат спортини ривожлантириш ва аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш;
- 1.3 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Исмат Шукуров хотирасини ёд этиш;
- 1.4 Юқори малакали, ҳаваскор ва ёш иқтидорли шахматчиларни шахмат мусобақаларида иштирок этишлари, уларнинг рейтинг ва спорт маҳоратларини оширишга кўмаклашиш;

II. Турнир ташкилотчилари ва хомийлари

2.1. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга умумий раҳбарлик Ўзбекистон Шахмат Федерацияси томонидан амалга оширилади. Мусобақага “Shah-Polan M”, “Karakalpak Sement”, “Rash Milk”, “Sing Lida”, “Evro Erfin” МЧЖ корхоналари хомийлик қилади.

Мусобақани ўтказишга раҳбарлик қилиш бевосита Ўзбекистон Шахмат Федерацияси томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъатига юкланади.

III. Мусобақанинг ўтказиш тартиби

3.1. Мусобақа икки гуруҳда - "А" ва "В" гуруҳларда ўтказилади. Мусобақада иштирок этиш учун имтиёзга эга ва мусобақа бадалларини тўлаган бошланғич 250 нафар спортчилар иштирок этиш мумкин.

3.2. Мусобақанинг “А” гуруҳи швецарча тизимда, 9 турда ўтказилади. “А” гуруҳига халқаро рейтинги 1900 ҳамда ундан юқори рейтингга эга иштирокчилар қатнашишларига рухсат этилади.

3.3. Мусобақанинг “В” гуруҳи 9 турдан иборат бўлиб, швецарча тизимда ўтказилади. “В” гуруҳига халқаро рейтинги 1899 ҳамда ундан паст рейтингга эга иштирокчилар қатнашишларига рухсат этилади.

3.4. Мусобақада электрон соатлардан фойдаланилади. Ҳар бир иштирокчига ўйин охирига қадар 90 дақиқадан вақт берилади ҳамда ҳар бир юриш учун биринчи юришдан бошлаб 30 сониядан қўшимча вақт белгиланади.

3.5. Мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси шахмат нотациясини билишлари шарт. Шахмат нотациясини билмаган ёки шахмат партиясини ёзишдан бош тортган шахматчилар ўйиндан четлаштирилади.

IV. Турнирни ўтказиш вақти ва жойи

4.1. Мусобақалар 2019 йилнинг 6-11 август кунлари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Караван” тўйхонасида ўтказилади.

4.2. Мусобақа дастури қуйидагича:

Сана	Вақти	Тадбирлар
6 август	14.00 га кадар	Иштирокчиларни кутиб олиш
	19.00 га кадар	Иштирокчиларни рўйхатга олиш
	19.00	Техник йиғилиш
7 август	09.00	Турнирнинг очилиши
	09.30	1 тур
	15:30	2 тур
8 август	09.00	3 тур
	15:00	4 тур
9 август	09.00	5 тур
	15.00	6 тур
10 август	09.00	7 тур
	15.00	8 тур
11 август	9.00	9 тур
	15:00	Ёпилиш (тақдирлаш) маросими
	16:00 дан	Иштирокчиларни кузатиш

V. Мусобақа иштирокчилари

5.1. Мусобақанинг “А” гуруҳида қуйидагилар бадалсиз иштирок этишга руҳсат этилади:

- Халқаро унвон эгалари (GM, WGM, IM, WIM);
- халқаро рейтинг 2400 дан кам бўлмаган рейтингга эгалари;

5.2. “А” гуруҳида иштирокчилар қуйидаги тартибда бадал тўлаш шарти билан иштирок этиш ҳуқуқига эга:

- 2300-2399 рейтингга эга шахматчилар-50 000 сўм;
- 2200-2299 рейтингга эга шахматчилар-75 000 сўм;
- 2100-2199 рейтингга эга шахматчилар-100 000 сўм;
- 2000-2099 рейтингга эга шахматчилар-120 000 сўм;
- 1900-1999 рейтингга эга шахматчилар-150 000 сўм.

5.4. “В” гуруҳнинг барча иштирокчилари учун бадал миқдори 100 000 сўм

VI. Иштирокчиларни рўйхатга олиш

6.1. Мусобақа иштирокчиларини рўйхатга олиш учун охири кун 2019 йилнинг 15 июлга қадар амалга оширилади. Дастлабки 250 нафар иштирокчи рўйхатга олингандан сўнг, рўйхатга олиш тугатилади.

6.2. Рўйхатга олиш учун иштирокчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома)ларини, мусобақа бадали тўлови тўғрисида банк тўловномасини нусхаларини жорий йилнинг 15 июлига қадар ташкилотчиларнинг қуйидаги электрон почтасига юборишлари лозим: **karshi_open@mail.ru**

6.3. Иштирокчилар мусобақа бадаллари жорий йилнинг 15 июлига қадар қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим:

«DAVR BANK» ХАТБ	ИНН 201710234
Ҳисоб рақами: 2021 2000 1001 7827 6001	МФО 00981

6.4. Мусобақа бадалларидан тушган маблағларнинг 30% Ўзбекистон Шахмат Федерацияси Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмасини ривожлантириш учун, қолган қисми мусобақани ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар ва Ўзбекистон Шахмат Федерацияси фаолиятини ривожлантириш учун сарфланади.

VII. Молиялаштириш

7.1. Ташкилий қўмита томонидан таклиф этилган халқаро гроссмейстерларнинг яшаш овқатланиш ва йўл харажатлари ҳомий ташкилотлар томонидан қопланади.

Ташкилотчилар томонидан 6 нафар чет эллик ва 6 нафар Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстерларнинг йўл харажатлари ва мусобақа даврида яшаш ва овқатланиш билан таъминланадилар. Халқаро гроссмейстерлар таркиби ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Шунингдек, шахматнинг стандарт йўналиши бўйича Жаҳон чемпионлари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг (1 нафар) мусобақа даврида ётоқхона билан ташкилотчилар томонидан таъминланадилар.

Қолган иштирокчиларнинг мусобақада иштирок этиш билан боғлиқ барча харажатлари сафарга юбуровчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

7.2. Мусобақа бош ҳаками, бош ҳакам ўринбосари, матч ҳакамлари ва ташкилотчиларни мусобақа даврида овқатланиш ва яшаш харажатлари ва уларнинг иш ҳақлари, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан таъминланади.

7.3. Мусобақа ўйин зали ижараси ҳомий ташкилотлар томонидан қопланади.

VIII. Мукофот жамғармасы

8.1. Мусобақанинг “А” гурухи учун мукофот жамғармасы 47 700 000 сўмни ташкил этади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

Асосий совринли ўринлар		Қўшимча совринли ўринлар	
1 ўрин	8 500 000 сўм	<i>Аёллар ўртасида</i>	
2 ўрин	7 600 000 сўм	1 ўрин	1 000 000 сўм
3 ўрин	6 700 000 сўм	2 ўрин	500 000 сўм
4 ўрин	5 600 000 сўм	<i>18 ёшгача ўсмирлар ўртасида</i>	
5 ўрин	4 800 000 сўм	1 ўрин	1000 000 сўм
6 ўрин	3 600 000 сўм	2 ўрин	500 000 сўм
7 ўрин	2 800 000 сўм	3 ўрин	300 000 сўм
8 ўрин	2 000 000 сўм	<i>Фахрийлар ўртасида</i>	
9 ўрин	1 500 000 сўм	1 ўрин	400 000 сўм
10 ўрин	900 000 сўм		
44 000 000 сўм		3 700 000 сўм	
Жами		47 700 000 сўм	

8.2. Мусобақанинг “В” гурухи мукофот жамғармасы 8 000 000 сўмни ташкил этади.

Асосий совринли ўринлар		Қўшимча совринли ўринлар	
1 ўрин	1 400 000 сўм	<i>Аёллар ўртасида</i>	
2 ўрин	1 200 000 сўм	1 ўрин	350 000 сўм
3 ўрин	900 000 сўм	2 ўрин	150 000 сўм
4 ўрин	700 000 сўм	<i>16 ёшгача ўсмирлар ўртасида</i>	
5 ўрин	550 000 сўм	1 ўрин	350 000 сўм
6 ўрин	450 000 сўм	2 ўрин	250 000 сўм
7 ўрин	400 000 сўм	<i>10 ёшгача ўсмирлар ўртасида</i>	
		1 ўрин	200 000 сўм
		<i>8 ёшгача ўсмирлар ўртасида</i>	
		1 ўрин	100 000 сўм
8 ўрин	300 000 сўм	<i>Фахрийлар ўртасида (60 ёшдан юқори)</i>	
9 ўрин	200 000 сўм	1 ўрин	250 000 сўм
10 ўрин	100 000 сўм	2 ўрин	150 000 сўм
6 200 000 сўм		1 800 000 сўм	
Жами:		8 000 000 сўм	

*Иштирокичиларда очколар сони тенг бўлганда пул мукофотлари бўлинмайди ва юқорида келтирилган қўшимча кўрсаткичларга мувофиқ тақсимланади. Ҳар бир иштирокчи фақат битта номинациядаги пул мукофотини олиши мумкин.

IX. Турнир ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш

9.1. Турнир ғолиблари ва совриндорлари тўплаган очколарига қараб аниқланади. Агар очколари сони тенг бўлса, у ҳолда “А” ва “В” гуруҳлари ғолибларини аниқлаш учун қуйидаги қўшимча кўрсаткичлар инобатга олинади:

- 1) Шахсий учрашув;
- 2) Перформанс;
- 3) Галабалар сони;
- 4) Бухгольц коэффициентлари.

Қолган ўринларни аниқлашда қуйидаги қўшимча кўрсаткичлар ҳисобланади:

- 1) Перформанс;
- 2) Галабалар сони
- 3) Бухгольц коэффициентлари.

9.2. Ғолиблар хомийлар томонидан пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

9.3. Мусобақа хомийлари ва ташкилотчилари томонидан иштирокчилар қўшимча совға ва мукофотлар билан тақдирланишлари мумкин.

X. Апелляция қўмитаси

10.1. Мусобақа натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун камида 5 кишидан иборат апелляция қўмитаси ташкил этилади.

10.2. Апелляция қўмитаси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

10.3. Апелляцияга бериш тартиби ва апелляция бадали миқдори апелляция қўмитаси томонидан белгиланади ва мусобақа бошланишидан олдин иштирокчиларни таништирилади.

10.4. Мусобақа ҳакамларидан ва уларнинг қабул қилинган қарорлардан норози бўлган иштирокчилар мусобақа жараёнида апелляция қўмитасига мурожаат қилишлари мумкин.

XI. Маълумот ва мурожаат учун:

Телефон алоқаси: (+99871) 241-15-44, 241-12-00, +998909977821

Факс: (+99871) 241-35-01

Электрон почта: karshi_open@mail.ru

Сайт: www.uzchess.uz